



2017 йил –

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА
ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Ошша



Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

27 (1334)-сон 12 июль 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



Тўрт яшар қизалоқнинг дилгир ҳолати, бийрон гаплари, соғинч тўла нигоҳи кўз олдидан кетмасди.

Эртаси куни бу уйга қайтиб бордим. Нима юз берганини суриштирдим. Қаранг, ёш оиладаги оддий гап-сўз сабаб ота-она қизини эридан ажратиб, уйига олиб келиб ўтирибди. Қизи ва куёвининг эртанги куни билан ишлари йўқ. Наҳотки, жажжи қизалоқнинг тақдири катталарни қизиқтирмаса?

КЎЧАДА ЎТИРГАН ҚИЗАЛОҚ

5-бетда

УШБУ СОНДА:


НОН СИФАТИГА КИМ ЖАВОБГАР?

жиғилдон қайнаши,
буханка айнаши, ошқозон
огриги муаммоси...



4-бетда

МАОШИМ ОШДИ, ДАРОМАД ЭСА...



“Бор-йўғи 1 тийинга гугурт олардик”, деб нолигани қулоққа чалинади. Лекин улар ўша даврда бор-йўғи 70 ёки 100 сўм маош эвазига шундай нарх белгиланганини ўйлаб кўрмайдилар.

7-бетда



ДИЛДАГИ ТУГУНЛАР ЕЧИЛМОҚДА

8-бетда

ҲАЁТ ГЎЗАЛ – ЯШАШ БАХТ

Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройида “Ҳаёт гўзал, яшаш бахт” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитаси томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда шаҳар ва туман ҳоқимликлари, таълим ва тиббиёт муассасалари масъул ходимлари, имом-хатиблар, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳоқими Ш.Бобоев, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, инсон манфаатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларга кириш, аҳоли билан суҳбатлашиш, уларнинг ташвишлари ва муаммоларини ўрганиш, аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Айниқса, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш бўйича барча ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилганлиги, ҳар бир вазирлик ва идораларнинг “Ишонч телефонлари” фаолияти йўлга қўйилганлиги фуқароларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда муаммолари билан очиқ, ҳеч қандай тўсиқларсиз мурожаат қилишларини таъминлаёт-



ганлигини алоҳида таъкидлади.

– Ҳаёт йўллари ҳамisha текис, раван бўлмайди, ҳар бир инсон қийин вазиятларга, муаммоларга дуч келиши мумкин, – дейди вилоят ҳоқими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. – Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, таъминлаш гирдобига ўралашиб қолган опа-сингилларимизнинг муаммоларини ўз жойида бартараф этиш чораларини

кўряпмиз. Инсон ким бўлишидан қатъи назар жамиятда фаол бўлса, маҳалла-қўлга, эл-юртга фойдаси тегаётганини, атрофидагиларга кераклигини ҳис этса, ҳаётга қизиқиши ҳам ортиб бораверади. Ёлғизлик, хонанишинлик эса одамни тушкунлик домига тортади. Шу боис юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, фаоллигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– Ҳаёт турли хил синаотларга бой экан, – дейди саҳна ортида бошидан ўтган воқеаларини ҳикоя қилаётган аёл. – Ёшим 24 да. Беш ойлик чақалогим бор. Турмуш ўртоғим билан муросамиз қочди. Кечқурун маст бўлиб келиб мени калтакларди. Қайнона-қайнотам буни билишса-да, бепарво қарашарди. Бир куни ваннахонага кириб олмос билан томиримни кесдим. Қарангки тирик қолибман, кўзимни очганимда фарзандим, ота-онам мунгайиб туришарди. Омон қолиб, яқинларим даврасига қайтганимга шуқр қилдим. Қийинчиликларга сабр-бардошли бўлишим кераклигини англадим.

Шунингдек, тадбирда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, Ўзбекистон Муслмонлари идорасининг вилоятдаги вакиллари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ҳаёт ҳар биримиз учун улкан неъмат эканини, барча муаммоларнинг ечими борлигини, энг асосийси ҳар бир инсон ишонч ва умид билан яшаш, ҳар бир фуқаро тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги ҳақида сўз юритдилар.

Нигора ўРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

МУНОСАБАТ

БИЗ - ВАТАНГА ФИДО БЎЛАМИЗ!

Президентимизнинг шу йил 6 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони биз ёшларга янги имкониятлар эшигини очди.

Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар кунини”, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижкорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шоири остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш”, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Туркистон” ва “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журнали ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган “Ёшлар нашриёти уйи” ташкил қилиниши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда “Қизларжон” журнали таъсис этилиши, юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш алоҳида белгилаб қўйилди.

Шу йилнинг 30 июн куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати IV қурултойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи ва мазкур Фармон бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга, кўпроқ ўқиш, изланишга ундамоқда. Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, китобхонликни тарғиб этиш, ёшларни уй-жой билан таъминлаш, ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Мен – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейини тамомлаб, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига кириб ўқиш ниятидаман. Қурултойни телевизор орқали кузатарканман, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мен ҳам фаол иштирокчи бўлишга қарор қилдим.

Зеро, бизга яратилган имкониятлар, билдирилган ишонччи оқлаб, ўтмиши улғу, келажига буюк Ватанимизнинг тараққиётига ҳисса қўшиш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Дилноза ЭЛМУРОДОВА

Жиззах вилояти Зомин туманидаги Ўриклисой оромгоҳида “Ёш ижодкорлар” ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳоқимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

Ҳақиқатан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ушбу йўналишдаги

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлимоқда. Шунингдек, бугун миллий адабиётимизни ривожлантириш, қалам ахли самарали ижод қилиши учун қулай шароит яратиш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганида жалон адабиёти чўққиларини забт этишга қодир ёш авлодни тарбиялаш мақсади мужассам.

— Шоир-ёзувчилардан ўрганиш, адабиёт ва шеърхонлик бизга катта тажриба беради, – дей-

ЗОМИН СЕМИНАРИ



ди иштирокчи Фурқат Алимардонов. – Юртимизда истеъдодли ёшлар кўп. Энг қувонарлиси, “Биринчи китобим” лойиҳаси учун асарларни шу семинарда танлаб олиш, ҳар йили “Зомин илҳомлари” деб номланган альманах чоп этишни йўлга қўйиш тўғрисида таклифлар билдирилди. Бадиий таржима, публицистика, драматургия, шеърят, наср, болалар адабиёти йўналишлари бўйича машғулотлар, маҳорат сабоқлари ўтказилгани, ижодий учрашувлар ташкиллаштирилгани барчага манзур бўлди.

Иштирокчилар эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига алоҳида миннатдорлик билдириб, Ватанга хизмат қилишини, ўз бадиий асарларида халқнинг калоритини акс эттириши бурчи, деб билишларини айтиб ўтдилар.

Ёш ижодкорларга ташкилотчилар томонидан сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Эъзоза ЖЎРАЕВА



МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари ҳамюртларимизнинг дарду ташвишларини бартараф этиш, инсон манфаатлари ҳимоясини барча нарсдан устун қўйиш тамоиллари асосида иш юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бойсун тумани Халқ қабулхонаси жорий йилнинг март ойида расман иш бошлаган эди. Қабулхонада “Она ва бола” хонаси, тиббиёт хонаси, кутиш заллари мавжуд ва фуқаролар ўз мурожаатларига жавоб олгунга қадар бемалол ўзаро мулоқотда бўлиб, кутишлари учун барча шароит яратилган.

Ўтган тўрт ой давомида 800 нафар фуқародан 811 ариза ва мурожаат қабул қилинди. Жумладан, ижро учун рўйхатга олинган мурожаатларнинг 22 таси коммунал тўловлар, 41 таси уй-жой ва томорқа масаласига, 107 таси иш билан таъминлаш ва бандликка, 48 таси суд органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятига ҳамда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига оид мурожаатлардир. Шунингдек, аҳолини арзон дори-дармон билан таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида фуқаролар манфаатлари бузилганлиги қайд этилган 45 мурожаат ҳам мавжуд. Бу туманда айни соҳаларда муаммолар етарли эканини кўрсатади.

Келиб тушган мурожаатларнинг 21,9 фоизи яъни, 178 таси тегишли идоралар,

раҳбарлар ва давлат ташкилотлари ҳамкорлигида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. 251 мурожаат бўйича тегишли идораларга вазифалар юкланиб, уларнинг ижроси назоратга олинди. Мурожаат этганларнинг 214 нафарига тушунтиришлар берилган бўлса, 48 мурожаат рад этилган.

Халқ қабулхонаси томонидан фуқароларнинг қабул қилиш ва уларнинг ариза ва мурожаатлари ижроси, назоратини сифатли амалга оширишга йўналтирилган кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат идоралари раҳбарлари, жумладан, туман ҳокими, прокурори ва ИИБ раҳбарларининг фуқаролари билан Халқ қабулхонасида очик мулоқотлар ташкил этилаётгани ана шундай самарали тадбирлардан саналади. Бундан ташқари, Халқ қабулхонаси ходимлари ва давлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамкорлигида жойларда сайёр қабулларни ташкил этиш ҳам яхши самара бермоқда. Ўтган май-июнь ойларида Мачай, Алачақпон, Дуоба, Назари, Ўрмончи маҳаллаларида ана шундай сайёр қабуллар ташкил этилди.

Эътиборли томони, ушбу учрашувлар чоғида фуқароларнинг ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот органлари,

прокуратура, ИИБ ва бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари билан очик мулоқот қилишлари учун имконият пайдо бўлаётган бўлса, иккинчидан, одамлар узоқ масофа босиб, харажат тортиб Халқ қабулхонасига қатнаш ташвишидан қутулмоқда. Қолаверса, мулоқотнинг бу кўриниши – Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётган халқ билан юзма-юз туриб мулоқот қилиш орқали уларнинг дардини эшитиш кераклиги тўғрисидаги тавсия ва кўрсатмаларига мос келади. Келгусида биз бундай тадбирларни янада кўпайтиришни режалаштирамиз.

Халқ қабулхонасига келиб тушган бирор бир мурожаат эътибордан, назардан четда қолмайди. Негаки, бу муҳтарам Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг асосий мезонларидан бири. Қолаверса, фуқаролар мурожаатларида кўтарилаётган муаммолар ечими нафақат биргина инсон манфаати, балки мамлакатимиз манфаати учун ҳам муҳимдир.

Аббос ХОЛМЎМИНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
Бойсун туманидаги
Халқ қабулхонаси мудири

МУХЛИСАГА УЙ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати масъул ходимлари, бир қатор вазирлик ва кўмиталар, банк муассасалари ва бошқа идоралар раҳбарларидан иборат гуруҳ томонидан Фарғона вилоятида сайёр қабуллар ташкил этилди. Уларда Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масалалар ўрганилди.

Фарғона тумани Водил қишлоғида бўлиб ўтган сайёр қабулда Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Қува ва Фарғона туманлари аҳолиси иштирок этди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 5 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига Фарғона вилояти аҳолисидан 122 минг 316 мурожаат келиб тушган. Уларнинг катта қисмини уй-жой қуриш учун ер ажратиш моддий ёрдам, пенсия таъминоти, болалар нафақаси, меҳнат муносабатлари ва ишга жойлаштириш, банк-молия, солиққа тортиш, судларда жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилиши, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотидаги муаммолар, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш, коммунал хўжалик, йўлларни таъмирлаш, транспорт ва йўловчи ташвиш хизматлари, тадбиркорликни ривожлантириш каби масалалар ташкил этади.

Қува туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ёркиной Турдалиева сайёр қабулда мутахассислардан ўз мурожаатига ижобий жавоб олди. Унинг 13 ёшли ногирон фарзандини таълим муассасасига жойлаштириш бўйича кўтарган масаласи ечим топди.

– Қизим ногирон бўлса-да, ўқишга қизиқади, хунарли бўлишни жуда хоҳлайди, – дейди Ё. Турдалиева. – Уни ўқитиш учун махсус мактаб-интернатларга кўп қатнадим. Афсуски, айрим сабабларга кўра бу мақсадим амалга ошмай келаётган эди. Сайёр қабулдан хурсанд бўлиб қайтмоқдаман. Тошкент шаҳридаги махсус мактабда таълим олиши учун қизимга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан йўлланма берилмайдиган бўлди.

Мухлиса Ҳошимова 1993 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Болалигида қаровсиз қолган. Шаҳардаги 1-Меҳрибонлик уйида тарбияланган. Шу ерда оила қуриб, бир фарзанднинг онаси бўлди. Шу муассасада меҳнат қилмоқда. Мухлиса сайёр қабулда уй-жой масаласи билан мутаасаддиларга мурожаат қилди. Унга арзон турар жойлардан бири ажратилмайдиган бўлди.

Ўзбекистон ва Бувайда туманларида ташкил этилган сайёр қабулларда ҳам аҳолидан келиб тушган мурожаатлар адолат мезони асосида кўриб чиқилиб, муаммоларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
журналист

УЙМА-УЙ ЮРИБ...

– Ойдин кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи Шоҳида Маҳкамованинг набираси Манзура Раҳмонбердиева ўқишга бормаётгани ҳақида Зангиота хизмат кўрсатиш коллежидан маҳалла идорасига сигнал келиб тушди, – дейди Зангиота тумани Хиёбон маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ақида Ҳамдамова. – Онаси Маъмура Раҳмонбердиева иккинчи бор турмушга чиқиб кетган. Бувисининг кўлида қолган қиз анчадан бери ўқишга бормас экан. Ёшлар билан ишлаш бўйича раис ўринбосари Ҳикмат Исмаилов билан Манзуранинг уйига бориб, уни тополмадик. Бувиси – Шоҳида опа: “Ейишинг учун нонга пул топиб кел. Мен сени боқолмайман”, деб қизни кўчага чиқариб юборган. Манзура бир аёлнинг уйида ишлаётган экан. Қизни у ердан ҳам тополмай, онасининг иш жойига бордик. Бироқ у ҳам Манзуранинг қаердалигини билмайди... Фарзанди тақдирдан мутлақо хабари йўқ бу аёлга эр, қизнинг бувисига эса пул керак. Сўраб-суриштириб ниҳоят Манзурани топдик. Ўз яқинларидан меҳр кўрмаган одамнинг бошқаларга ишонши осон кечмайди. Қиз билан психологик сўхбат ўтказдик, анча уринишлардан кейин уни ўқишга қайтардик. Айни пайтда бувиси билан яшаётган бўлса-да, маҳалла фаоллари ундан хабар олиб туришибди.

Зангиота туманидаги Хиёбон маҳалласида 3328 аҳоли мавжуд бўлиб, 925 та оила бор. 5 нафар кам таъминланган оиладан 3 тасига моддий ёрдам ҳамда биттасининг фарзандига 2 ёшгача бўлган нафақа тайинланган. 10 та оилавий ажримнинг олди олинган.

Фирдавс кўчаси, 55-уйда яшовчи Охуда Рустамбекованинг қизи Турсуной оилавий сабабларга кўра, онасиникига қайтиб келган экан. 17 ёшда турмушга узатилган Турсуной фарзандли бўлгач, бир яшарли

ОНАСИГА ЭР, БУВИСИГА ПУЛ КЕРАК

фарзандни эса маҳалла фаоллари йўлга солади



боласи билан уй ишларига улгуролмаган. Қайнона-қанотаси: “Оилани элполмапти, рўзгор тутишни билмайди”, деб ота-онасиникига жўнатиб юборишган. Маҳалла оқсоқоли Атҳам Абдурахмонов ва яраштирув комиссияси биргаликда унинг қайнота-қайнонаси билан сўхбатлашиб, келиннинг ёшлигини, аста-секин уй-рўзгор ишини эплаб кетишини айтиб, уни эрининг уйига олиб бориб қўйишгани. Натижада бир оила бузилишининг олди олинган.

Ойдин кўчаси, 68-уй соҳибаси 80 ёшли Вазира Алимова 5 нафар фарзанднинг онаси. 30 набира, 20 эваранинг азиз бувижониси. Онахон бир умр деҳқончилик қилиб, меҳнатнинг ортидан роҳат топганлардан. Кенг ҳовлида кенжа ўғилнинг фарзандлари, яъни, уч набира келинлари билан яшамоқдалар.

Ойдин кўчаси, 2-уйда яшовчи Ибодат Исоқова 80 ёшда. 3 ўғил, 3 қизни ҳалол меҳнат билан улғайтириб, яхши тарбия бериб, уйл-жойли қилганлар. Кенжа ўғил она билан яшайди. Ўғил оилавий тадбиркор. Ҳовли жуда ораста, шинам, тинч-осуда. Онахон жуда ширинсхан, одамшаванда инсон экан.

– Маҳалладошларимиз билан дилдан сўхбатлашиб, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини қарор топтиришга интиламиз, – дейди МФЙ раиси Атҳам Абдурахмонов. – Йил бошидан буён ҳар бир хонадонга кириб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўргандик. Таълим муассасалари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Ёшларимизнинг юриш-туришидан доим хабардор бўлишга ҳаракат қиламиз. Шу тўғрисида бўлса керак, маҳалладошларимизнинг ишончини қозоняпмиз.

Маҳаллани уйма-уй юриб айланаркамиз, маҳалла аҳлида оқсоқоли, маслаҳатчиси ва посбонига нисбатан ўзгача ҳурмат эътиборимизни тортиди. Бундай эътирофга маҳалла фаоллари меҳнаткашлиги ва жонқуярлиги билан эришганига амин бўлдик.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

ҚАДРИЯТ

Нон дўконлари, бозор расталаридаги чиройли, хушбўй, тотли нонларни кўриб, одамнинг кўзи қувнайди. Ҳар ким ўз таъби ва имкониятига қараб, нон олади. Хўш, бугун аҳоли қандай нон истеъмол қилапти?

Халқимиз дастурхонига кўрк бўлаётган нонлар тайёрланиши ҳақида маълумот ахтариб, мутахассисларни суҳбатга тортдик. Пойтахтимиздаги Чорсу, Кўйлик, Олой бозорларини айландик.

— Ёшим 65 да, неваралар учун буханка, кампир иккимизга кунига иккита ёпган нон сотиб оламан, — дейди ўзини Раҳим ота деб таништираган харидор. — Буханка нон есам, жиғилдоним қайнайди, кўнглим беҳузур бўлади. Менимча, буханка нонга ачитқини кўп солиб юборишади-ёв.

— Бўка туманиданман, — дейди Раҳима исми аёл. — Чорсуга келиб, помидор, бодрингни сотиб, шу ердан буханка олиб кетаман. Оиламиз шунга ўрганган: ҳам арзон, ҳам баракали. Тандирда ёпилган

тахланиб, камида 1 соат муштланади. Муштлаш тугагач, хамир конверт шаклида ўралади. Кечки соат 9 ларда қорилган хамир эрталаб соат 4 ларда тандирга ёпилади.

Тайёр хамир бир килограммдан кесиб, тарозидан тортилади. Сўнг сувала қилиб, тўрт қатор териб чиқилади. 25-30 дақиқа тиндирилгач, хамир яшаш жараёни бошланади. Худди кўза ясаган каби кафтда хамирнинг ўрта қисми очилгач, махсус асбоб билан каба урилади, сўнг чекич урилиб, кунжут ҳамда қора седана селиб, тандирга ёпилади. Ширмой нонлар 30-40 дақиқада тайёр бўлса, патир камида 1 соатда етилади. Чунки патирнинг мағзига сув ва ёғ яхшилаб синдириб пиширилмаса, у чиройли чиқмайди. Айрим новвойлар кўпроқ ноннинг мағзига эмас, кўринишига эътибор беришади. Тандирдан узилганидан сўнг қатик, тухум саригини суркашади. Биз патирларимизнинг юзига фақат сув সেламиз.

НЕГА ЖИҒИЛДОНИМ ҚАЙНАТАДИ?

Савол: — Уч нафар фарзандим бор.

МЕЪЁРИДАН ОШСА СЕМИРТИРАДИ

Унинг таркибида 6 фоиз оксил, 1.5 фоиз ёғ, 45-50 фоиз углевод бор

Олий навли ундан тайёрланган оқ нонлар семиртиради

100 грамм нон 450 калория, яъни қувватланиш беради

Бир кунда бир одам учун 300-350 грамм нон истеъмол қилиш — меъёр

Нонни меъёридан ортиқ истеъмол қилганда келиб чиқадиған касалликлар 3 турга бўлинади: картошка касаллиги, моғорлаш ва пигмент.

- Картошка касаллиги асосан нон мағзига бўлиб, иссиқ жойда ривожланади.
- Иссиқ нон совумасдан елим идишларда, нам, зах жойларда сақланганда моғорлайди.
- Пигмент эса кўпроқ шакар қўшилган булочкалар ва қандолат маҳсулотларида учрайди.

НОН СИФАТИГА КИМ ЖАВОБГАР?

жиғилдон қайнаши, буханка айниши, ошқозон оғриғи муаммоси...

баъзи нонларни есангиз, чайнаш жуда қийин. Ёки тезда суви қочиб, ранги ўчиб кетади.

СИФАТЛИСИ — ХАРИДОРГИР

Беш йилдан буён новвойлик ортидан рўзгор тебратётган Эркинжон Раҳмонов ширмой нон тайёрлаш технологияси хусусида сўзлаб, шундай дейди:

— Ҳар кун 6-7 қоп ундан нон ёпаман. 50 килограммлик бир қоп ундан 150 граммдан 270 дона нон чиқади. Нон ҳажми кичкина, вази оз бўлгани учун 750 сўмдан сотамиз. Бир қоп унга сув, туз, маргарин, хамиртуруш солиб, 45 минут муштланади. 15-20 минут дам берилгач, тиндириб қўйилади. Роппароса 2 соатда хамир ошади. Нонимиз ёш болаларга ҳам, кексаларга ҳам бирдек ёқади. Илгари одамлар нархига қараб нон олишарди, ҳозир сифатига кўпроқ эътибор беришади.

Ҳар кун тўрт-беш дондан буханка еймиз. Уша кун ейлиб кетса-ку, яхши, эртасига қолса дарров ачиб, хамири бижғийди. Ундан ташқари, буханка нон есам, жиғилдоним қайнайди. Бунинг сабаби нимада?

Гулноза ҲАСАНОВА,

Фаргона шаҳри

Гулчеҳра ҲОШИМОВА, “Тошкент нон” ишлаб чиқариш уюшмаси бош технологи:

— Нонлар асосан — темир моддаси, рух, витамин “Б” группаси билан бойитилган 1-навли ундан тайёрланади. Бу камқонликнинг олдини олишда муҳим. Ҳозир цехимизда 35-40 турдан ортиқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Оддий ва дармондориларга бой нонлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Нон пиширилганда унинг таркибидеги витаминларнинг 97 фоизи сақланади. Уни

амал қилиш лозим. Айримлар 40-50 даража иссиқда ҳам керагидан ортиқча нон сотиб олиб, уни ачитиб қўйишади. Нон иссиқда туриб қолса, албатта, ачийди. Шу боис ортан нонларни кастрюлкада эмас, селлофан пакетга солиб, музлаткичда сақлашни маслаҳат берамиз.

Дўконлардаги 1-навли ундан тайёрланган нонларнинг вази 600 грамм бўлиши керак. Иккинчи навли ёки қора зогора ундан тайёрланган нонларда кислоталик даражаси юқори бўлгани боис уларни ошқозон хасталигидан азият чекадиғанлар камроқ егани маъқул.

МЕЪЁРИДАН ОШСА СЕМИРТИРАДИ

Савол: — Ўн етти яшар қизим уч ойдан буён нон емаяпти. Дугоналари шундай қилсангиз озасан, деб маслаҳат берибди. Ҳақиқатан ҳам, нон семиртирадими?

Озода ҲАЛИЛОВА,

Тошкент шаҳри

Низомжон ЭРМАТОВ, Тошкент Тиббиёт Академияси болалар, ўсмирлари ва оватқатлиш гигиенаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори:

— Дунёда ноннинг 500 дан ортиқ тури бор. Гуруч, печени, макаронлар ҳам нон маҳсулотлари гуруҳига қиради. Унинг таркибида 6 фоиз оксил, 1.5 фоиз ёғ, 45-50 фоиз углевод бор. 100 грамм нон 450 калория, яъни қувватланиш беради. Таркибидеги “В” витамини билан биргаликда калий, натрий, темир, хлор моддалари бўлади. Бундан ташқари, етарли даражада углеводлар мавжуд. Крахмал ва клетчаткага бой.

Бир кунда бир одам учун 300-350 грамм нон истеъмол қилиш — меъёр. Айниқса, олий навли ундан тайёрланган оқ нонлар семиртиради. Унинг таркибига суний кўпчигувчи воситалар солинади. Шу боис қанча есангиз ҳам тўйганингизни сезмайсиз. Илгари нонлар маккажўхори уни қўшиб тайёрланарди. Бу одат ҳозир ҳам Бухорода сақланган. Маккажўхори уни тўйимлиликини оширади.

Нонни меъёридан ортиқ истеъмол қилганда келиб чиқадиған касалликлар 3 турга бўлинади: картошка касаллиги, моғорлаш ва пигмент. Картошка касаллиги асосан нон мағзига бўлиб, иссиқ жойда ривожланади. Иссиқ нон совумасдан елим идишларда, нам, зах жойларда сақланганда моғорлайди. Пигмент эса кўпроқ шакар қўшилган булочкалар ва қандолат маҳсулотларида учрайди. Моғорлаган нон захарлианиши, кейинчалик онкологик касалликларга замин яратади.

УВОЛ БЎЛМАСИН

— Баъзилар нон нархи ошса, хавотирга тушади. Аммо уни увол қилиб, ахлат қутисига ташлайдиғанлар ҳам бор, — дея суҳбатга қўшилди Бектемир тумани махсустрас АТКСи 8-026- чиқинди йиғиш майдончаси ишчиси Заҳира АВЛИЁҚУЛОВА. — Уч йилдан буён улбу шохобчада ишлаймман. Истиклол маҳалласидаги кўпқаватли уйларда яшовчи аҳолига ўтган йили раҳбарият томонидан беш дона махсус идишлар қўйиб берилди. Улардан учтаси чиқинди, қолгани қоғоз ҳамда баклажка ташлаш учун мўлжалланган. Нон тўрамлари учун ўзим алоҳида яшиқ қўйганман. Авваллари одамлар нон бўлакларини ахлатларга аралаштириб олиб чиқишарди. Нонни алоҳида селлофан пакетда келтириб, махсус ашиқчага солиш кераклигини тушунтирдим. Овқат қолдиги, ҳатто суяклар учун ҳам алоҳида яшиқ бор. Ҳеч нарса увол бўлмайди. Бир ҳафтада бир-икки қоп нон йиғилади. Чорвадорларга қопини 10 мингдан сотаман. Баклажкаларнинг бир қопини беш мингдан. 1 килограмм қоғоз эса 700-1000 сўмгача сотилади. Бир ойда 330 минг маош оламан. Бекор ўтиргандан кўра, оиламга нафим тегсин, дейман-да.

ПАТИР ЮЗИДА АЁЛ СУРАТИ?..

Салимжон ҒОФУРОВ, ҳайдовчи:

— Тошкентдан водийга йўловчи ташийман. Водега кирaverишда Кўкон патирлари сотиладиған раста бор. Йўловчилар ўша ерда тўхтаб, тўрттагина патир сотиб олмаи, кетмайди. Пиёзли патир, жиззали, мағизли, сарғили патирлар. Есангиз, таъми оғзингизда қолади. Аммо кўпроқ пул топиш илинжидаги айрим тадбиркорлар нонга турли суратлар тушириб, телефон рақамини ёзиб, азиз неъматга нисбатан ҳурматсизлик қилаётганига ҳам гувоҳман. Яқинда сотувчи аёллардан бири патирга ўзининг суратини ҳам тушириб қўйибди. Патирнинг ўртасида бир аёл жилмайиб, сизга қараб турса жуда хунук кўринаркан. Патирни сотувчининг қўлига тутказиб, пулимни қайтариб олдим. “Ҳа, ака суратини ёқмадимми”, деди сотувчи аёл кулиб. “Ёқди, фақат, ёнига поччамнинг суратини ҳам қўйсангиз, янаям харидоргир бўлади”, дедим.

Бугун фарзандларимизга телефонини эҳтиёт қил, бузилиб қолмасин, машинани секинроқ ҳайда, йўл қондасига риоя қил, деб ўргатамиз. Компьютер, телевизор қаршида кўп ўтириш, соғлиғига зарар эканини ўқитаримиз. Менимча, болаларимизга ризку рўзимиз нонни эъзозлаш, қадрлаш, увол қилмасликни ҳам еслатиб турсак, энг яхши иш — шу.

Нигора РАҲМОНОВА, “Оила ва жамият” муҳбири

НОННИНГ САЛОМАТЛИККА ФОИДАСИ

Нон пиширилганда унинг таркибидеги витаминларнинг 97 фоизи сақланади

Ичак фаолиятини яхшилаш, қандли диабет касаллигининг олдини олишда эса жавдар ҳамда бугдой кепаги солинган 2-навли қора ундан тайёрланган нонлар тавсия этилади

1-навли ундан тайёрланган нонлар инфаркт, инсультнинг олдини олишда асқотади

Нон иссиқда туриб қолса, албатта, ачийди. Шу боис ортан нонларни кастрюлкада эмас, селлофан пакетга солиб, музлаткичда сақлашни маслаҳат берамиз

Дўконда 500 та нон сотилаётган бўлса, шулардан 2 ёки 3 тасигина ачиши мумкин

Нонни сақлаш муддати 24 соатдан ошмаслиги керак

МАҒЗИ ТОТЛИ БЎЛСИН

Жасур СОБИРОВ, новвой:

— Новвойлик билан оливайи шуғулланамиз. Патир ёпамиз. Нархи 5500 сўмдан. Тўрғи, бу нарх ҳаммага ҳам ҳам тўрғи келавермайди. Аммо таъмини билганлар пулининг бетига қараб ўтирмайди. Мисол учун, 50 кг. ундан 75 дона патир тайёрланади. Патир тайёрлаш техникаси анча мураккаб ва меҳнати кўп. Уни тоғорага солиб, сув, туз, хамиртуруш ҳамда 8 килограмм маргарин солинади. Хамир атала ҳолатига келгунича қўлда яхшилаб аралаштирилади. Ун, ёғ ва сувни шимиб хамир ҳолатига келганидан сўнг, 4 қисмага кесиб чиқилади. Сўнг хамирлар қатлама шаклида уста-уст

истеъмол қилгандан сўнг ярим соатдан кейин қайноқ чой ёки қаҳва ичиш тавсия этилади. 1-навли ундан тайёрланган нонлар инфаркт, инсультнинг олдини олишда асқотади. Ичак фаолиятини яхшилаш, қандли диабет касаллигининг олдини олишда эса жавдар ҳамда бугдой кепаги солинган 2-навли қора ундан тайёрланган нонлар тавсия этилади.

Ёзда нонларнинг ачиб қолишидан кўнчилиқ нолийди. Майдан октябргача нон ачишини камайтириш учун мезофил ачитқиси ва кўпчилган хамир (апара) дан фойдаланилади. Масалан, дўконда 500 та нон сотилса, шулардан 2 ёки 3 тасигина ачиши мумкин, ҳаммаси эмас. Қолаверса, нонни сақлаш муддатига ҳам

КҮЧАДА ҰТИРГАН ҚИЗАЛОҚ

ТУРМУШ

АНВАР ҚОРИ ТУРСУНОВ ҲИКОЯСИ

Бугун Тошкентда оилаларнинг 38 фоизи парокандаликка юз тутган. Бу – ҳар минг оиладан салкам 400 таси ажрашиб кетяпти, дегани. Ташвишли ҳол. Оқибат йўқолиб бораётгани оилаларга раҳна солмоқда. Бундай ҳолга, аслида оддий гап-сўзлар сабаб бўлишини Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов мисоллар билан баён қилиб берди.

– Куни кеча ярим тунда таровех намозидан қайтаётгандик, – дейди Анвар қори домла. – Бир кўчадан ўтаётиб, таниш уй олдида, бўсағада ғамгин ўтирган жажжи қизалоққа кўзим тушди. Ҳайдовчидан машинани тўхтатишини сўрадим. Бу хонадон эгаларини танийман. Мени ярим тунда қизалоқ нима сабабдан кўчада ўтиргани қизиқтирарди. Машинадан тушиб қизалоққа яқинлашдим. Роса тарбияли-одобли экан.

– Ассалому алайкум, – деб салом берди ўрндан туриб.

– Ваалайкум ассалом, – дедим мен ва уни саволга тутдим: – Ярим кечаси нима қилиб ўтирибсиз? Нега ичкарига кирмапсиз, қизим?

– Мен дадамни соғиндим, – жавоб берди қизалоқ оғир хўрсиниб. – Бу бизнинг уйимиз эмас. Бувам билан бувимники. Дадам келиб қолармиканлар, деб кутиб ўтирибман. Жудаим соғиндим.

Қизалоқ шу қадар маҳзун гапирдики, юрак-бағрим эзилиб кетди.

Ичкаридан унинг бувиси чиқди. Уй эшиги очик қолганини айтиб, мулзам тортиди. Мен эртага келаман, деб йўлимда давом этдим.

Тўрт яшар қизалоқнинг дилгир ҳолати, бийрон гаплари, соғинч тўла нигоҳи кўз олдидан кетмасди.



Эртаси куни бу уйга қайтиб бордим. Нима юз берганини суриштирдим. Қаранг, ёш оиладаги оддий гап-сўз сабаб ота-она қизини эридан ажратиб, уйига олиб келиб ўтирибди. Қизи ва куёвининг эртанги куни билан ишлари йўқ. Наҳотки, жажжи қизалоқнинг тақдир катталарни қизиқтирмасан?

Менга таниш бўлганлари боис, уй эгаларига қаттиқ гапирдим, уларни роса койдим. Кейин куёвини топтириб келдик. Ишонсангиз, қизалоқ дадасини шунчалик яхши кўрар эканки, бир

зум ҳам унинг кучоғидан ажрамади. Шу пайтгача уларнинг кўришиши тақиқланган экан-да!

Биз – инсонмиз, аммо нега бир-биримизга бунчалик зулм қиламиз? Отанинг ўз қизи билан кўришишини тақиқлаш даражасида бағритош

бўлиш ҳам мумкинми? Бу қандай бедодлик, ахир?!

Биродарлар, оилаларга дарз етказмайлик, аксинча, уларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайлик. Болаларни ота-оналаридан ажратмайлик. Нури дийдаларимиз етимлик нималигини билишмасин. Уларнинг кўзларида ёш кўрмайлик.

Анвар НАМОЗОВ,
журналист

facebook

Санобархон Хўжаева: – Оилада эркак ҳукмронлик қилиши керак. Ота фарзандлар тарбиясига масъул яъни, жавобгар. Она фарзандларга отасини ҳурмат қилишни ёшлигидан ўргатиши лозим.

Лайло Рискиева: – Турмуши бузилиб кетаётган оилаларнинг кўпчилигида она-лар айбдор, қизларни ёшлигидан оилага масъулиятли қилиб тарбиялаш керак. Ҳаётга энгил қарайдиган қизлар кўпайиб борапти. Фаросатли, оқила қизлар ҳар қандай шароитда ҳам йўлини топиб кетади. Шунингдек, ўғил болаларимизни ҳам эркак қилиб тарбиялашимиз лозим.

Моҳира Султонова: – Бу ердаги фикрларга тўлиқ қўшила олмайман. Нима учун оилани сақлашга фақат аёл масъул бўлиши керак. Нега аёл ҳамма оғирликни ўз гарданига олиши керак. Уша ёшлигида эркин ўсган келинни ҳам яхши гап билан, сабр билан йўлга солса бўлади. Дарров айбларини юзига солиб, ота-онасини ҳақоратлаб, уйига ҳайдамасдан...

Диля Мавлонова: – Қарс икки қўлдан чиқади. Эр-хотин, қолаверса, қайнона-қайноталар ҳам бу борада бирдек масъулдир. Аксарият йигитларнинг масъулиятсизлиги, айрим қизларнинг бесабрлиги оқибатида оилалар бузилиб кетмоқда. Ўртада болаларга қийин.

Дилдора Раҳимова: – Оила катталарининг ёшлар орасига бемаврид тушавериши ҳам оилани дарз кетишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қадамида ёш келиндан айб топаверса... ахир ўзлари фаришта эмас-ку... Ҳаммага инсоф берсин.

Ситора БОЙХОҲОВА тайёрлади

ОИЛА ИНҚИРОЗИ: ИСТЕЪМОЛ САНОАТИ СИНОАТЛАРИ

Кишилик жамияти турли даврларда сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий инқирозларни бошдан кечирган. Таассуфки, уларнинг баъзилари ҳамон давом этмоқда. Айрим давлатлар халқаро иқтисодий инқироз чангалидан чиқиб кета олмаётган бир пайтда инсоният маънавий-ахлоқий таназзул домига чўкиб бораётгани дунё афкор оммасини жиддий хавотирга солаётир.

Бундай емирлишлар қаторига оила инқирози ҳам қўшилганига анча бўляпти. Замонавий дунёда оилавий муносабатлар кун сайин чигаллашмоқда. Энг ёмони, бу иллат бизни четлаб ўтаётгани йўқ. Сўнгги йилларда бузилаётган оилалар сони кўпайиб бораётгани сир эмас. Тўғри, Европа ва Америкадаги давлатлар билан солиштирганда оилавий ажрашишлар бора-сидаги кўрсаткич бизда паст. Ҳатто Осиё давлатлари орасида ҳам анча қуйи поғонадаммиз. Бироқ бу ташвишланмаслика асос бўлмайди. Бежизга болаларимиз бир оила бузилса, Арш ларзага келади, дейишмаган.

Оилавий ажрашишларнинг ўнлаб сабаблари бор. Биз хатони кўпроқ маиший муносабатлардан излаймиз.

Гуё ҳамма бало қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчиликда. Аслида эса оилавий парокандалик ўзининг табиий йўсинидан анча илдамлаб кетганини, бу жараён муайян ташқи кучлар таъсири остида тезлашиб бораётганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Оила инқирози орқасида истеъмол саноатининг ғояларини, қарашларини бизга сингирмоқчи бўлаётган кучлар турганини сезмаймиз. Истеъмол саноати инсонни қандай аҳволга солмоқда? У фарзандларимизни гўдаклигидан эгоцентрист қилиб тарбиялаётир. Ҳеч нарса абадий эмас, дунё соат сайин ўзгариб турибди, вақт қисқариб борапти, энг сара, урфдаги буюмларни тезда қўлга киритмасанг – кеч қоласан, дея гулгула солади. Яна у, бундай шиддатли даврда барқарор муносабатлар бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас, шунингдек, мустаҳкам оилавий ришталар ҳам, дея ишонтирмоқчи бўлади. Эринг ёки аёлинг жонингга тегдими? Шундоқ ҳам қисқа ҳаётингни беҳуда сарфлашинг нима кераги бор, яхшиси ундан воз кеч. Муносабатлардан чарчадингми – тугат

ва янғисини бошла.

Биз инсон – истеъмол субъекти, дея хато ўйлаймиз. У аллақачон истеъмол объектига – буюмга айланиб бўлган. Қўпол бўлса-да, айтмай, кўплаб эр-хотинлар бир-бирига (ихтиёрсиз равишда албатта) нарсага, буюмга қарагандек қарашади. Эр ва хотин муносабатлари (севги, муҳаббат, садоқат эмас) оилавий ҳамкорлик, деб аташаётганига анча бўлди. "Турмуш ўртоқ" деган истилоҳ тилимизга, дилимизга жуда чуқур сингиб улгурган. Яқин ўн йил ичида "Севги" деган сўзнинг моҳияти, мазмуни бутунлай ўзгариб кетди. Жуда осон айтиладиган ва қайтиладиган сўзга айналди сеvgи. Ёшларимиз сеvgи деганда жинсий яқинлиқни тушунадиган бўлиб қолишди. Аждодларимизнинг "Қўша қаринлар", деган дуолари моҳиятини унутиб қўяётгандекмиз. Фарзандларимизни вафо, садоқат, сеvgига фидойилик сингари олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялаш ўрнига кўч-кўронимизни йиғиштириб осонгина бир-биримиздан воз кечамиз. "Сен бўлмасанг бошқаси", деган кўшиқлар пайдо бўлганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Истеъмол индустрияси бизни жонсарақ қилиб қўймоқда, миллий қадриятларимизни оёқ ости қиляпти.

Оила инқирозини тўхтатиш, бу таназзулдан чиқиб кетиш имкони борми? Албатта бор. Инсон эзгулигича учун яратилган. Узини ва ўз Яратувчисини таниш учун яратилган истеъмол поғисидан от чоптириш учун эмас, яъни нафсининг ортидан ҳақалак отиш учун эмас. Оилани асраб-авайлаш, унинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга давлат даражасида аҳамият берилмоғи лозим. Президентимиз ҳар бир чиқишида оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга, жамиятда оиланинг нуфузи ва обрўйини оширишга, оила институтини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кўплаб жамоат ташкилотларида амалга оширилган тизимли ўзгаришлар замирида ҳам ана шу мақсад ва мудоао мужассам.


Биз аёлни хонадон чироғига, отани оила устунига менгаймиз. Бу – гўзал ташбеҳ. Бироқ аёл ҳам, эркак ҳам хонадондаги бундай буюмларга айланиб қолмасин. Шундагина оилаларимизда оловқалб фарзандлар камол топади.

Нур МУҲАММАД

ТАРБИЯ

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ибратли ҳаёт йўлига ҳавас қиласан, улардек саодатли, обрў-ҳурматли бўлишни истайсан, киши. Меҳнаткашлиги, оиласидаги соғлом муҳит, тарбиялаган фарзандлари, атроф-жамиятга бўлган муносабати билан одамлар қалбидан жой олган бундай инсонларнинг босиб ўтаётган умр довони ёшларга ибрат бўлгулик.

Эл-юрт ҳурмати эришган ана шундай оилалардан бири – педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев оиласидаги маънавий муҳит, фарзанд тарбиясидаги муҳим жиҳатлар ҳақида шу хонадон қизи Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент Муҳайё Йўлдошева билан суҳбатлашдик.



гурури поймол бўлгандай ҳис қилади. Буни унутиши қийин бўлади. Аёл шунга йўл қўймаслиги керак". Оилавий ҳаётимиз мобайнида онамнинг бу насиҳатлари аёллик бахтининг калити эканини англаб етдим.

КЕЛИН ВА КУЁВ ҚАНДАЙ
ТАНЛАНГАН

Ота-онам келин ё куёв танлаганда аввало, номзоднинг қандай муҳитда ўсганига кўпроқ эътибор берганлар. Чунки келиб чиқиши, ўқимишли ё аксинча экани ҳам аҳамиятли эмас. Фақат муҳит инсоннинг шахсиятини белгилайди. Иккинчи навбатда, қуда тутинмоқчи бўлган оилаларида қариндош-уруғларга бўлган муносабатга аҳамият қаратганлар. Қолаверса, бизнинг турмуш тарзимиз ва ҳаётга қарашларимиз тўғри келиши инobatта олинган. Мана шу уч жиҳат мутаносиб бўлса, қолганлари кўнгилдагидек кечиши бор гап.

АДОЛАТЛИ АЁЛ

Онажоним жуда сабрли, бошқаларнинг кўнгли билан

МЕҲР БИЛАН ФАЙЗГА ТЎЛГАН УЙ

ДАДАМНИ АРДОҚЛАШНИ
ОНАМДАН УРГАНДИК

– Дадам шу пайтгача эришган ютуқларининг барчасида онажонимнинг хизмати чексиз эканини таъкидлайдилар. Онам Жамила Йўлдошева Москва давлат университетининг рус филологияси факультетига ўқиган бўлсалар-да, биз – фарзандлар тарбиясида фақат ўзбекча андозалар билан иш тутганлар. Дадамни рўзгор ташвишлари билан чалғитмаганлар. Жалолбек акам икковимиз онамнинг: "Дадам билиб қолмасинлар", "Дадам ранжийдилар", "Дадам келсалар..." деган гапларидан дадамни ҳар жиҳатдан ардоқлашни, аяшни, ҳурмат қилишни ўргандик. У киши уй устуни эканини ҳис этиб улғайдик.

Эндиликда акам Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Оилавий" телеканали директори вазифасида

ишламоқда. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсак, бари ота-онамизнинг меҳри, эътибори ва тарбияси туфайлидир.

Улар бизнинг одобимиз, ўзаро муносабат ва мулоқотларимиз, ўқишимизга кўпроқ эътибор қаратганлар. Чунки инсон ҳаётида тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фарзандга жадвал асосида тарбия бериб бўлмайди. Ҳар бир ёшда боланинг ўз қизиқиши, мулоқот доираси бўлади. Ота-она буни зийраклик билан илғаб бориши зарур. Тарбия – болага келажақда яшashi учун сабоқ бериш эмас, ҳар кун, ҳар соат, ҳозирги дамда яшашга ўргатишдан иборат. Атрофдагилар билан ўзаро ҳамжиҳат бўлишга, тўғри мулоқотга киришишга, тўғри муносабатда бўлишга ўрганса, бола ҳаётда қоқилмайди.

БАХТ КАЛИТИ

Мустақкам, бахтли оиланинг сири оила аъзоларининг ҳаётдан мамнун

бўлиб яшашига масъулликни ҳис этишдадир. Аёл киши фидойи бўлиши керак. Оиласи, фарзандлари, турмуш ўртоғига ўзини бахш эта олган аёлгина чинакам аёллик саодатини ҳис қилади. Ҳеч нарса жавобсиз қолмайди. Умид билан ерга уруғ қадаган одам алалоқибат ширин ҳосилини йғишга эришади. Оилавий ҳаёт ерга уруғ қадагандай гап. Меҳнат қилаверсан, ҳосилни фарзандларинг улғайиб, турмуш ўртоғинг ҳаёт синовларида чархланиб, ўзи учун энг яхши ҳамроҳ сен эканингни англаганида ўриб оласан. Бу машаққатлар самараси шу қадар тотлики, онажонимнинг биз фарзандлар ва дадажоним томонидан бекиёс ҳурмат-иззатга муносиб бўлганларини кўриб, уларга чин дилдан ҳавас қиламан.

Ҳаётда ўз ўринини топиб, жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканингни ҳис этиш – яшашнинг асл моҳияти. Ўз мақсади ва шу мақсадга эришиш йўллари идрок этиш, курашишдан тўхтамаслик керак.

Онамнинг куйидаги ўгитлари мени саодат манзилларига етказди: "Аёл киши ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўзини номуносиб тутмаслиги, ўзини ерга урмаслиги керак. Зиддиятни кучайтирмаслиги, вақтида тўхтай билиши, вақтинча чекинб, ҳиссиётлар совуғандан кейингина муаммони ҳеч бир томоннинг манфаатига дахл қилмайдиган ечимини ақл билан топиши, оиланинг қолган аъзоларига ҳам тўлақонли яшаш имконини бериши лозим. Эрақ киши низо чиққанда аёлнинг ҳақ-ноҳақлигини эмас, унинг ғазабнок нигоҳи, аламли овози, юзидаги хунук ифодани эслаб қолади ва ўзини беҳурмат қилингандай,

ҳисоблашадиган, адолатли аёл. Вазиятга ўз манфаати эмас, ҳамма томонларнинг манфаати нуқтаи назаридан баҳо беради. Онамдан энг миннатдор бўлган жиҳатим – биз оилада уруғ-айирмачилигини билмай ўсганимиз. Ота уруғ, она уруғини бирдек ардоқлашни ўргандик. Онажоним дадамнинг қариндошларини ўзиникилардан устунроқ кўяди хозирга қадар. Бу қийин. Ҳар қандай аёл ҳам эрига, эрининг яқинларига нисбатан бундай меҳрли муносабатда бўла олмайди.

Дадамнинг ҳамма эътироф этадиган жиҳати – ниҳоят даражада ҳалол, тўғри ва тик сўзли одам. Ўз манфаатларидан кўра адабиёт, миллат манфаатини доим устун кўяди. Шу боис мен ишга кирган кезларимнинг илк дамларида жуда қийналганман. Ҳамма оилада шунақа деб ўйлардим-да. Одамлар шахсий манфаати, бир-икки сўм учун касбига, қадриятларига бемалол хиёнат қилиши мумкинлигини ҳазм қила олмасдим. Ҳозир анча кўникиб қолдим.

Онамнинг тутумлари, дадамнинг фидойиликлари, атрофдагиларни қадрлаш, инсонларни авайлаш ҳаётимнинг бош ғоясига айланган. Тўғри, бу йўлда бироз қийин бўлади. Ахир, фидойиликнинг қай жиҳати осон кечиби? Аммо барибир жавоби бўлади. Инсон эҳтиромга эришиши, атрофдагилар, яқинларининг муҳаббатига муносиб бўлиш учун аввало кучли иродоли ва юрагига улкан муҳаббатни жо қила олиши керак. Бизга ҳаётнинг мана шу ҳақиқатини ўргатган ота-онамдан миннатдорман...

Умида АДIZОВА ёзиб олди.



ИБРАТ

Саиданинг онаси бугун ҳам кечикди. Бочча онаси тоқатсизланиб, дам соатига, дам кўчага қарайди. Стулчада қимтинибгина ўтирган қизалоққа хўмраяди:

– Ота-онанг ҳеч вақтида оладими ўзи? Нукул сени деб уйга кеч қоламан. Ойингга: "вақтироқ келинг, бир ўзим қоляпман", десанг бўлмайдами?

Шундоқ ҳам онасини соғиниб, уйга тезроқ кетишни истаб ўтирган қиз нима деярини билмай мунғайди. Шу пайт эшик кесакисига суяниб турган онажонисини кўриб-ю, кўзлари чарақлаб кетди.

– Узр, синглим, оянинг охирида иш кўпайиб кетади-да, – деди онаси. Тарбиячи қиз ўнғайсиз ҳолатга тушди. Юзи дув қизарди.

Саида эса йўл-йўлакай бидил-

САРГАР ДОН СОҒИНЧ

лади.

– Ойижон, сизни бирам соғиндимки... Эртага кун бўйи бирга бўламыз-а?

– Албатта, қизалоғим.

Саида қарсақ чалиб юборди. Аясининг юзларидан чўпиллатиб ўпди.

Шанба ва якшанбада онаси уй ишларига кўмилди-қолди. Кўғирчоғини кўтариб, атрофида ҳар қанча парвона бўлса ҳам уни сезмади. Онасининг эътиборсизлиги қизнинг ғашига теги. Хархаша қилди.

– Бор, дадангнинг олдига кир, – деди онаси ишидан бош кўтармай.

Диванда ёнбошлаб, газета ўқийтган ота ҳам у билан гаплашишни истамади. Саида мунғайиб уйдан

чиқди. Кўчадаги болаларга кўшилди. Бироздан кейин кийим-боши тупроққа беланиб кириб келганда уни кўрган онаси жуда аччиқланди. Аламини эридан олиб, унга захрини сочади.

– Ота бўлиб бундай боланинг кўнглига қарасангиз бўлмайдами? Мен-ку юмушдан бўшамаяпман.

– Битта боланинг ҳархашасига чидамайсан-а? Беш-олтита фарзанди борларга раҳмат дегин!... – кўрс жавоб берди дадаси.

Ота-онасининг жанжалидан дилгир бўлиб, мунғайганча ичкарига кирган Саида энди боғчасини соғинаётганди...

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА

ЭЪЛОН

Абдурахмонов Шарофиддин Низомиддиновичга тегишли Яшнобод тумани Асалобод-2 мавзе ХУЖМШ "Боғи шамол коммунал" уй-жой мулкдорлари гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Қоратosh" маҳалла гузаари ижара корхонаси ўз фаолиятини тугатаётганини маълум қиламиз.

Қодирова (Ҳасанова) Камола Абдужаббор қизига П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежидан 2009 йил 1 июлда берилган К №1424241 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги маълум қилинади.

ИҚТИСОД


Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган илк кунлардан буён ўтган вақт мобайнида аҳолининг ойлик маоши 10 баробардан кўпроқ ошиб кетди. Бундан 15-20 йил аввал 10-15 минг сўм маошга ишлаган одамлар ҳозирги кунда бир миллион сўмга ҳам ўйланиб розилик беришмоқда.

Бир миллион сўм – олти налти рақам, лекин барибир негадир кам. Агар кўча-кўйда ўзимизнинг анча йил аввал кўрган бирор танишимизни учратиш, унинг топиш-тутиши, ижтимоий аҳволи ҳақида сўрасак, қандай жавоб оламиз? Албатта, маоши миллионларда ўлчанаётганини эшитиб хурсанд бўламиз. Лекин яшаш шароити унчалик ҳам ўзгармаганидан таажубланамиз. Нега шундай? Нега маош ошадигу, бу турмушимизда сезилмайди?

Иқтисодда шундай тушунча бор, инфляция, яъни нархларнинг ошиши. Шунингдек, талаб ва тақлиф қонуни ҳам бор. Унга кўра, талаб ва тақлиф ҳар доим ўзаро балансда бўлади ва бу балансни маҳсулот нархи таъминлаб беради. Яъни, одамларнинг даромади қанчалик катта бўлса, нархлар ҳам шунга қараб ошиб бораверади. Аввалги киши сал бойигандек бўлади ва кўпроқ топганига яраша кўпроқ сотиб олгиси келади.

Тасаввур қилинг, дўконга ҳар куни бирор бир маҳсулот келтирилади. Дейлик, шоколад, ҳар бири 5000 сўмдан

МАОШИМ ОШДИ, ДАРОМАД ЭСА...



10 дона ва дўкон эгаси бу миқдорни ва нархни талабдан келиб чиқиб белгилаган. Яъни, дўконга ҳар куни 10 нафар харидор келиши аниқ. Энди кимнингдир даромади ошди ва у ҳар доимги маҳсулотлардан ташқари бир дона шоколад ҳам харид қилмоқчи. Дўконда ўн бир мижозга ўн та шоколад тўғри келмоқда. Табиийки, кимшоши савдосига ўхшаш ҳолат содир бўлади. Мижоз кўпаяверади, нарх ҳам ошверади.

Бироқ халқ орасида бу борадаги тескари фикрлар ҳам учраб туради. Баъзан одамларнинг: “Бор-йўғи 1 тийинга гугурт олардик”, деб нолигани кулоққа чалинади. Лекин улар ўша

даврдан бор-йўғи 70 ёки 100 сўм маош эвазига шундай нарх белгилаганини ўйлаб кўрмайдилар. Ўша даврда 1 тийинлик гугуртдан 100 сўмга 10 мингта берганини ҳисобга олсак, ҳозирги кун маоши – яъни, улар менсимайдиган 1,5 миллион сўмга ҳам худди шунча гугурт олиш мумкин. Талаб ва тақлиф қонуни ҳеч қачон эскирмайдиган қонун. У давр ва давлат танламади.

Қачонки, мана шу қонун доирасида инфляция, яъни нархларнинг ошиш даражаси маошга нисбатан пастроқ бўлса, бу тушунча реал даромад дейилади. Аҳолининг маоши кўпаймаса ҳам, унинг реал даромади ошиши ўша

халқнинг турмуш даражаси яхшилланганини билдиради. Киши арзимаган маош олса ҳам, унинг дастурхони тўлиб турса, мана бу реал даромаднинг ошиши, халқнинг, давлатнинг ривожланганлигини кўрсатади.

Бу нарса бозор иқтисодиёти шароитида янада аққолроқ кўзга ташланади. Бунда талаб ва тақлиф қонунидан ташқари, рақобат муҳити ҳам мавжуд. Мижоз қанчалик бой бўлмасин бир вақтнинг ўзида ҳам арзон, ҳам юқори сифатли маҳсулотдан ҳеч қачон воз кечмайди. Шу сабабли ҳам тадбиркор ҳар доим изланишда бўлиб, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг таннархини тушириш ва унинг сифатини яхшилаш йўллари излайди. Бу йўлда кимдир паст нархда кўпроқ сотишга интилса, кимдир бир дона бўлса ҳам сифатли маҳсулотни катта пулга сотишни мақсад қилади. Ҳар икки ҳолат ҳам тадбиркорга бирдек фойда келтиради, лекин биринчи тоифа одамларнинг меҳнати қадрироқдир. Нафақат ўз манфаати, балки халқ манфаатини ҳам ўйлаб ҳаёт кечириш ҳар ким учун энг олий мақсад даражасига кўтарилса, албатта, фойдадан холи бўлмасди.

Агар маҳсулот нархи қиммат бўлса, уни ҳамма ҳам сотиб ололмайди. Агар арзон бўлса, уни истаган одам сотиб олиши мумкин. Бунда нархни эмас, тақлиф миқдорини ошириш энг мақбул ечим саналади. Шунда аҳолининг реал даромади ошади; талаб ва тақлиф қонуни ҳам бузилмайди.

**Камронбек ҲОШИМОВ,
Г.В.Плеханов номидаги Россия
иқтисодиёт университети
Тошкент филиали талабаси.**

“ЎЗБЕКИСТОН ШВЕЙЦАРИЯСИ” ДА НИМА ГАПЛАР?

БУНЁДКОРЛИК

Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи чоғида сўлим табиатли Хонобод шаҳрида бўлиб, у ерни ободонлаштириш, ҳудудда туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди. “Ўзбекистон Швейцарияси” деб таърифланаётган мазкур ҳудудда бугун аҳвол қандай?

Рустамбек ТўРАХОНОВ, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати:

– Президентимиз Хонободнинг ўзига хос табиати, сўлим гўшалари, чиройли манзаралари, дов-дарахтлари, ёқимли об-ҳавосига таъриф бериб, “Ўзбекистоннинг Швейцарияси” деган номга сазовор шаҳарнинг файзини юксалтириш зарур, деганларида беҳад мамнун бўлдик. Бугун Хонобод улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Айни вақтда ишлаб чиқариш, sanoat соҳасида 46, хизмат кўрсатиш сервис соҳаларида 62, жами 108 янги лойиҳа асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Давлатга қарашли бўш турган олти бино инвестиция киритиш шарти билан “0” қийматида тадбиркорлик субъектларига ажратиб берилган.

Олег МИХАИЛОВ, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати:

– Давлатимиз раҳбари Хонободни “очиқ шаҳар” деб эълон қилиш, қурилиши 2006 йили тўхтаб қолган 200 ўринли сихатгоҳни 2018 йил



таъминлаш, хусусийлаштириб олинган ва узоқ муддатлардан бери фаолият кўрсатмаётган қатор корхоналарни ишга солиб, янги ишчи ўринлари яратиш каби долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Айни пайтда шаҳарда 7 та болалар дам олиш оромгоҳи, 2 та аҳоли дам

Наврўз байрамигача қуриб битказиш, шаҳар марказида замонавий гипермаркет қуриш, Қорадарё кўпригини бунёд этиш, Андижон – Хонобод электр поезди ҳаракатини йўлга қўйиш, шаҳардаги барча болалар дам олиш оромгоҳларини ишга тушириш, Хонтоғ ва Тошахур адирларида pista, бодом, ёнғоқ, жийда каби экспортбон мевалар экиш ва парвартиш, шаҳар оқава сув тозалаш иншоотларини барпо этиш, ҳудуддаги кўп қаватли уйлардаги иссиқлик тармоқларини ишга тушириш, электр таъминоти мўътадиллигини

олиш масканлари мавжуд. Уларни қайта реконструкция қилиш замирида дам олувчиларга янада қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсади мўжассам.

2004 йилда 18,5 гектар ҳудудни ўз ичига олган “Хонобод санаторияси” қурилиши бошланган эди. Мазкур

ҳудудни қуриб-битказиш учун 8 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган лойиҳа тасдиқланган. Бироқ 3 миллиард сўм сарфланган-у, номаълум сабабларга кўра, қурилиш тўхтаб қолган эди. Орадан ўн йилдан зиёд вақт ўтиб, мана, давлатимиз раҳбарининг ташрифи туфайли ишлар яна жонлиб кетди. Санатория қурилиши бўйича 100 миллиард сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. “Ўзавтосаноат” АК томонидан амалга оширилаётган мазкур бунёдкорлик бугун авж палласида.

– Мазкур дам олиш масканлари фойдаланишга топширилгандан сўнг йилига 300 мингдан ортиқ аҳоли дам олиши режалаштирилган, – дейди Хонобод шаҳар ҳокими Мусохон Мамадалиев. – Шунингдек, жорий йилнинг куз фасли охирига қадар Хонобод – Андижон йўналиши бўйича электропоезд катнови йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда. Темир йўллардаги капитал таъмирлаш ишлари аллақачон бошланган. Янги лойиҳага кўра, “канат йўли”ни қурилиши режалаштирилган. Уч қаватли Гипермаркет ёнидан чўққидоғи чархпалакка қўтарилиб, у ердан “Позилмон ота зиёратгоҳи” гача етказилади. Бу лойиҳани амалга ошириш ишлари “Ўзпахтаёғ” АК зиммасига юклатилган.

Хонободликлар ҳам янги-янги ташаббусларни илгари сурешмоқда. Маҳаллий аҳолига ёнғоқ ва унаби қўчатларини экиб, парваришлаш учун адирликдан ер ажратиб берилмоқда. Демак, энди фермерлик, тадбиркорлик янада юксалиши турган гап. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларга ҳам аҳоли дам олиш масканлари қуришлари учун 1 гектардан 4 гектаргача ер майдонлари ажратиб берилаётди.

Бугун нафақат хонободликлар, балки ғайратли, шижоатли инсон борки, бу ердаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқда. Хонабоднинг эртаси бугундан маълум!

**Зилола РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири**

ОЙНА

Журналистнинг касбий хотиралари мисоли қуроқ: бири рангин, бири ранги униққан — оч. Вазифам тақозосида учрашган баъзиларни ҳар гал эслаганда, ҳаёти нурли давом этаётганидан умид ва тилак қиламан.



ДИЛДАГИ ТУГУНЛАР ЕЧИЛМОҚДА

... Ҳаттиз йиллар муқаддам (ўшанда “Саодат” журналида ишлардим) Сурхондарё вилоятининг бир туманига Зебонинг шикоятни юзасидан бордим. Хатда ёзилишича, ўзи яшаётган қишлоққа кўчиб келишгандан буён Зебони оиласи ва кўшнилари чиқиштиришмас экан.

1988 йил 1 май куни кўшнлар туғилган кунни нишонлашади, кейин арзимаган сабабдан яна жанжал кўтариб, Зебонинг ҳовлисига бостириб кириб, томорқасидаги экинларни пайхон қилишади, буюмларни уриб синдиришади. Қўлидаги чақалоғи 28 кунлик Зебони уриб-калтаклашади. Аёл маҳалла чек-касидаги қариндошиникига қочиб киради. Лекин кўшнлар ўша ерга ҳам бостириб бориб, Зебони ечинтириб, гувоҳларнинг таърифлашича: “Кўйнинг оёқларидан боғлаб кўтарган каби” кўчага олиб чиқишади ва дарахтга боғлаб, яна уришади. Тасаввур этолмайдиган жиҳати — бу иш устидагиларнинг бари ўқимшли — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, яна бири болалар шифокори эди.

Зебо мактубида бу кўргуликлардан эри задаланиб, оилани ташлаб кетганини, уч бола билан ёлғиз қолганини, ҳуқуқ-тартибот идоралари унинг аризаларини эътиборсиз қолдираётгани, бунинг устига, унинг ўзини айбдорга чиқаришга уринаётганини ёзиб, ёрдам сўраганди.

Унинг кўшнлари қўли узун эканини англадим. Ҳаттиз кўпчилик Зебонинг хўрланганидан воқиф эди. Кўпчилик гувоҳлар мен билан ошкор суҳбатлашини истамади. Ўнлаб гувоҳлар воқеани изи совимасдан туман ИИБга ёзиб берганини айтишди, лекин ички ишлар бўлими бошлиғи: “Ҳеч қандай гувоҳлик аризалари ёзилмаган”, деб инкор этди. Дарвоқе, кўшнларнинг икки фарзанди туман ИИБда ишлар экан.

Гап кўзгалгач, туман ҳамда вилоят ИИБ масъуллари айбни Зебога ағдариб, фикрларини исботлашга уринар, бировни умуман эшитмасди.

Сафардан қайтгач, кўпчиликдан

эшитганимга асосан мақола ёздим, ammo Зебонинг кўшнлари бу ёғига ҳам жуда фаол бўлишди: Тошкентга, тахририятга келиб кетишди. Мақолам “Саодат” журналида босилмади. Бироз фурсатдан кейин “Халқ сўзи” газетасида чоп этилди. Сурхондарё вилояти раҳбар ташкилотлари бу танқидий мақоладан лоақал хабардор бўлдиларми, йўқми, жимжит. “Халқ сўзи”да шу ҳақда иккинчи марта мақола босилди. Ниҳоят, вилоят масъулларидан “... мақола ўрганилиб, чора кўрилгани” ҳақида жавоб келди. Лекин “Вужуди ҳилвираб турган бир аёлни ечинтириб, элнинг кўз олдига ҳурлаб,

“Кўйнинг оёқларидан боғлаб кўтарган каби” кўчага олиб чиқишади ва дарахтга боғлаб, яна уришади.

дарахтга боғлаб, калтаклашга кимнинг ҳақи бор?”, деган савол жавобсиз қолаверди. Ўн йиллар давомида Зебонинг ҳаётидан бохабар бўлдим. Чайир, зийрак, аламзада, уч боласига отау она — бу аёл топган пулини сарфлаб, уч боласини етаклаб, Тошкентга қатнади. Ҳуқуқ-тартибот идораларию жамоатчилик ташкилотларидан адолат излади. Илгари кўрганим — бир ойлик ҳам бўлмаган қизалоғи йўлларда улғайди, ўғиллари ўсмирлиги сарсонликда ўтарди.

Бир куни Зебо яна ишхонамга кириб келди, учта боласи стулларга тизилганча ухлаб қолишди. Рангида ранг қолмаган жувон хўрлиги келгандек битта гап айтди: “Опа, мен борган идоралар ходимлари келганимдан хабар топган заҳоти эшикларини қулфлаб олишяпти”. Гарчи маънан ҳақим бўлмаса-да, журналистлик масъулиятимга зид маслаҳат бердим: “Болаларингизни йўлларда қийнаманг, топганларингизни уйингизда баҳам кўриб ўтиринг, чунки...”, — гап давомини айтмадим-у,

лекин тушунарли эди...

“Сен азиз этган қулингни ҳеч киши хор айлама”, — бу машҳур сатрни Зебога айтиб кўнглим тоғдек кўтарилган лаҳзалар ҳам кўз олдимда.

...2000 йиллар боши эди, Тошкент кўчасидан борардим. Рўпарамдан югуриб келган аёл: “Опа! — деб кучоқлади. — Катта ўғлим юқори балл олиб институтга ўқишга кирди!”, — бу Зебо эди! Орадани кўп ўтмади, яна бир куни худди шундай тўқнаш келдик: “Опа, кичкина ўғлим ҳам институтга кирди. Контрактга тушиб қолди. Ҳомий излаб юрибман”. Кўзлари, рангига ҳаёт синовлари изи босилган бу аёл билан ана шу учрашувлардан кейин хотираларимнинг Зебо деган саҳифасига ёруғлик оралади. Лекин мана шу ўттиз йиллар давомида кўрган-кечирганларим, эшитгану гувоҳ бўлганларим аксарият ҳолатларда: “Ё зўринг, ё заринг бўлмаса ҳуқуқ-тартибот идораларидан адолат кутишнинг фойдаси йўқ”, деган хулосани мустаҳкамлайверди.

Бугун ўша воқеаларга хаёлан бориб келяман. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш йўлида бошлаган ишлари, қатъий фикр ва тадбирларини минг-минглаб юрдошларимиз кўзда ёш, оғриқли изтироблар билан тасдиқлаётганига шубҳа йўқ. Зеро, кейинги пайтларда мамлакатимиз фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг катта қисми ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига тааллуқли экани бунинг далилидир.

Яна бир муҳим гап: инсонларнинг, борингки, бир давр кишиларининг иллатлардан азобланиши, таҳқирланишидан кўнгли яралангани. Юртимиздаги ислохотлар згууликка умид уйғотиб, ишонч кўчатларини баравж ундирыпти. Шу йўлларимиз бардавом бўлсин!

МУХТАРАМА УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими

УЙНИНГ УСТУНИ

“ОТАМ ҲАММАДАН КУЧЛИ”

...Ёзги таътилни буви-си билан ўтказган ўғлим Бурхоннинг қилиқларини қайнонам кулиб-кулиб ҳикоя қилди. Ўғлим буви-сининг ён кўшниси Ҳомид бувадан ҳайқарди. Аслида полвонлар авлодидан бўлган ҳайбатли бу оқсоқол олдида болалар эмас, ҳатто катталар ҳам талмовсираб қоларди. Ҳомид бува қишлоқнинг у бошида туриб гапирса, бу бошидан гум-бур-гумбур овоз келарди.

Бурхон ёғоч бўлакларидан одамчалар ясаб, бирини Ҳомид бува, иккинчисини дадаси ролига кўйиб, уларни кураш туширар экан. Ёғоч полвонларнинг кураши узоқ давом этаркан-у, охир-оқибат дадаси голиб чиқар экан. Бурхон бу ғалабадан ўзида йўқ қувонар, ёғоч полвонларини олиб момосининг олдига чопаркан:

— Момо, қаранг, дадам ютди! Меннинг дадам полвонлардан ҳам зўр!

Ўйлаб қолдим, мурғак фарзандлар ўз отасини дунёдаги энг кучли инсон, деб билар экан. Ўсиб-улғайгани сайин уни бошқаларнинг оталари билан таққослай бошлайди. Минг афсуски, баъзи оталар йиллар давомида ноҳўя хатти-ҳаракатлари, ноўрин гап-сўзлари билан болалар кўз ўнгига “заифлашиб”, “кичрайиб” бораверадилар. Уларнинг тасаввурдаги энг кучли ва ақлли ота “кичина одам”га айланиб қолади.

Ота-бобларимиз нафақат фарзанд тарбиясини, балки аёл тарбиясини ҳам эркаклар зиммасига юклаган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам жуфти ҳалоли таълим-тарбиясида йигитларнинг масъул эканини эслабди: “Узинга муносиб аёлни топдингми, энди унга одобахлоқ, хушфеълликни ўргатгин”, дейди. Бунда турмуш қурадиган ҳар бир йигит чуқур мулоҳазали, маънавий ва руҳий салоҳиятга эга бўлиши кераклигига ишора бор.

Бугуннинг оталарига ёки ота бўлиш оstonасида турган ўғилларимга шундай дегим келди: Азизларим, дилбандингизнинг сиз ҳақингиздаги гўзал таассуротларини бузманг. Чин маънода фарзандингизга ҳам, оилангизга ҳам, суянчик бўлинг. Токи, дилбандларингиз ҳамиша сиз билан фахрланиб юришсин.

Салима ХОЛДОРОВА,
Навоий кон-металлургия
комбинати
Матбуот хизмати мутахассиси

Oilavajamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси — 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Лўқмонов

МАНЗИЛИМIZ:
Тошкент — 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 726. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 5110. Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Навбатчилар: **О. Жумабоев**
У. Адизова
С. Сайдалимов
Мусахҳих: **А. Маликов**
Саҳифаловчи: **А. Маликов**
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5